

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ – БИЗ УЧУН КУЧ-ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Маълумки, мустақил ва кучли суд ҳокимияти инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийликни қарор топтиришининг асосий шартидир. Бу йўналишдаги устувор вазифаларга доир 40 дан орტიқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда улар асосида жиддий амалий ишлар олиб боришмоқда.

Ана шундай хайрли ишларимизнинг мантикий давоми сифатида мен кунчи кеча Мустақиллик байрами муносабати билан яна бир муҳим фармонга имзо чекдим. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қўлишмига чин кунгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 215 нафар шахс афв этилиб, ўз оиласи ва ақинлари бағрига қайтиши имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси тарихда илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоллигига сайланди. Бу эса ушбу йўналишдаги ислохотларимиз халқро ҳамжамят томонидан эътироф этилаётганининг яққол тасдиғидир.

Муҳтарам юртдошлар! Шунинг алоҳида таъкидлаш зарурки, ўтган беш йиллик вақт барчамиз, бутун мамлакатимиз, халқимиз учун кескин синовлар даври бўлди. Айниқса, 2020 йили бошланган коронавирус пандемияси ва шу сабабли келиб чиққан иқтисодий инқироз глобал дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммоларни юзага келтирди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хулосасига кўра, пандемия Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё миқёсида юз берган энг улкан синовдир.

Едингизда бўлса, биз пандемия бошланган илк кунларда бу қийинчиликлардан янада тобланиб, кучли ва қудратли бўлиб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Яратганининг инояти, эл-юртимизнинг аҳлиғили ва фидокорона меҳнати билан бу машаққатли синовларни мардона енгиб ўтмоқдамиз.

Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг кўламли ислохотлар юртимизда янги даврни – янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди.

Бугун юртимизда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янги-ча сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Халқро валюта жамғармаси ва нуфузли рейтинг агентликлари таҳлиллариغا кўра, ҳозирги қийин ва мураккаб шароитда Ўзбекистон жаҳоннинг санокли мамлакатлари қаторида молиявий-иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини тиклаш ва иқтисодий фаоллиқни оширишга эришиб келмоқда.

Мана, яқинда Америка Қўшма Штатларининг “J.P.Morgan” инвестиция банки томонидан эълон қилинган “Ўзбекистон: юксалиш йўли” номли таҳлилий ҳисоботда ҳам айтиш шу фикрлар баён этилган.

Шу ўринда иқтисодийликмидаги таркибий ислохотлар ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтишни зарур, деб биламан.

2017–2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси 18,3 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот 60 миллиард долларга етди. Бу ҳақда гапирганда, ташқи савдо айланмаси 2016 йилдаги 24 миллиард доллардан 2020 йилда 36 миллиард долларга кўпайганини таъкидлаш лозим. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 369 триллион сўмини ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 23,4 фоизга ўсди. Натижада саноат маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги ўлиши 19,5 фоиздан 27,4 фоизга кўтарилди.

Иқтисодий соҳани, жумладан, божхона тартибларини либераллаштириш туфайли 2020 йилда экспорт ҳажми 15,1 миллиард долларни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 25 фоизга ўсди.

Ислохотларимиз самарасининг турли халқро рейтингларда тан олинishi мамлакатимиз учун халқро молия бозорларига чиқиш имкониятини яратди. Жумладан, жорий йилда 635 миллион долларлик ва 2,5 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари, Ипотeka банкининг 785 миллиард сўмлик ва “Узавтомоторс” акциядорлик жамиятининг 300 миллион долларлик корпоратив облигациялари чет эл инвесторларига сотилди.

Сармоядорларнинг мамлакатимиз иқтисодийётига бўлган ишончини кескин оширишга муваффақ бўлдиқ. Инвестицияларнинг умумий ҳажми қисқа муддатда 2,1 мартага, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробарга яқин ўсгани ҳам бунинг исботидир.

Ўтган уч йил мобайнида солиқ соҳасида янги тизим жорий этилди. Солиқлар сони сезиларли даражада қайтарилди, айланма маблағдан олинмадиган солиқлар бекор қилинди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилиб, ушбу солиқ занжирининг хялит тизими яратилди.

2017–2020 йилларда банкаримиз капиталини 5,7 баробар ёки 5 миллиард долларгача оширишга эришдик.

Электронергетика, нефть–газ, коммунал соҳаларда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида давлат бошқаруви ва ҳўжалик функциялари бир-биридан ажратилди, рақобат муҳитини яратиш учун муҳим қадамлар ташланди.

Айни пайтда янги-янги инфратузилма тармоқлари барпо этилди. Милглаб километр узунликдаги янги йўллар, электр ва газ тармоқлари қурилди ва таъмирланди.

Жамоат транспорт изчил ривожланмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ҳамда қарийб 12 километрлик ер усти метро линияси фойдаланишга топширилди.

“Сергели” йўналиши бўйича 6,2 километрлик қурилиш ишлари якунланди.

Айни пайтда Ўзбекистонда кўплаб йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шулар қаторида яқинда Олмалик кон-металлургия комбинатининг қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 3-мис бо-йитиш фабрикаси қурилишига тамал тоши қўйилганидан барчангиз хабардорсиз.

Куни кеча Навоий вилоятининг Кармана туманида 110 миллион доллар инвестиция ҳисобидан ишга туширилган қуёш электр станцияси Ўзбекистон энергетика тизимида биринчи улкан қадам бўлди.

Айни пайтда “Навоийазот” акциядорлик жамиятида иккита янги завод – азот қислотаси ҳамда аммиак ва қарбамид ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Умумий қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳалар вазига “Навоийазот”да маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробарга ошадди.

Бундай муҳим воқeалар миллий саноатимиз тарихида янги давр бошланаётганидан далolat бeради.

Юртимизда кичик ва хусусий бизнес субъектлари икки баробар кўпайиб, соҳада 1 миллион 400 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу корхоналарнинг яридан кўпроги кейинги уч йилда ташкил этилган алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш мақсадида 16 та қонун, 100 дан зиёд қарор қабул қилинди. Ўтган бир йил давомида лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби сод-далаштирилди ҳамда уларни бeриш муддатлари қисқартрилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча текширувлар учун мораторий эълон қилинди.

Шунингдек, ўзини ўзи иш билан банд қилган аҳоли учун қулай шaroит яратиш натижасида бир йилда 500 минг нафар фуқаро рўйхатдан ўтиб, фаолиятини қонуний асосда йўлга қўйди.

Тадбиркорлик соҳасидаги мана шундай ёндашув натижа-сида Жаҳон банкининг “Бизнeснинг юрйтиш” халқро рейтингида Ўзбекистон беш йил ичида 141-ўриндан 69-ўринга кўтарилди. Албатта, бу жиддий кўрсаткич, аммо у хали бизни қониқтирмайди. Шунинг учун биз ушбу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Ҳабарингиз бор, яқинда тадбиркорлар билан янги формат-

даги учрашув ўтказдик. Унда мамлакатимиз бўйича 10 мингдан зиёд ишбилармонлар қатнашди. Очиқ мулоқотга тайёргарлик доирасида 15 мингдан ортиқ тақлиф ва ташаббуслар атрофлича ўрганилиб, тадбиркорлар кўтарган масалалар бўйича амалий чоралар белгиланди.

Биз миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан бун ҳам барча шарoитларни яратиб берамиз. Нега деганда, тадбиркор – иқтисодиётнинг, ислохотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир.

Мана шу ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиғи керак.

Бугунги кунда замонавий иқтисодиётнинг энг истиқболли соҳаси бўлган ахборот-коммуникация технологиялари мамлакатимизда кенг жорий этилмоқда. Шу мақсадда ўнлаб IT-парклар, кичик саноат зоналари, соҳа учун мутахассислар тайёрлайдиган ўқув масканлари, иқтидорли компьютер дастурчилари учун махсус лойиҳалар ташкил этилмоқда.

Аҳолиимизнинг катта қисми яшайдиган қишлоқ жойларини ривожлантириш ва обод қилиш, аграр соҳанинг самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Биз қишлоқ ҳўжалиқда нархлар шаклланишига давлат аралашувини бекор қилдик, пахта ва галла етилтиришда давлат бюртмаси тугатилди. 122 та пахта-тўқимачилик кластери фаолияти йўлга қўйилиб, юқори ҳосил олишга эришилди. Қишлоқ ҳўжалигини молиялаш тизими қайта қўриб чиқилмоқда.

Биз ҳудудларни тармоқлар билан бирга комплекс ривожлантириш бўйича янги тизимни жорий этдик. Бунинг натижасида ҳудудларнинг молиявий имкониятлари кенгайиб, 2021 йилнинг ўзида маҳаллий дастурлар учун қўшимча 3 триллион сўм маблағ шакллантириш имконияти пайдо бўлди.

Бугун ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон учун глобал инқирознинг оғир дамлари ортда қолмоқда.

Иқтисодий тармоқларининг ривожланиш суръатини аҳолининг реал йўли даромади 2016 йилга нисбатан 28 фоизга ўсгани ҳам қўриш мумкин.

Ҳозирги кунда номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи 2,7 миллион сўмини ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 2,1 баробарга оширилди.

Мана, яқинда қабул қилинган Фармонга биноан, мамлакатимизда 1 сентябрдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар миқдорини яна ошириди.

Биз бундан бун ҳам аҳолиимизнинг даромади ва турмуш даражасини мунтазам яхшилаб боришга жиддий аҳамият қаратамиз.

Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос янги тизими яратилганидан барчангиз яхши хабардорсиз. “Темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “мехр дафтари”, “маҳаллабай” ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилмоқда.

Ислохотлар доирасида қабул қилинган йирик дастурлар жамиятимизда ижтимоий муҳитни яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини оладиган бўлсак, жорий йилнинг ўзида ҳам 8 мингга яқин қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани, уйлaimнaн, қўл нарсадан далolat бeради.

Бу ишларнинг барчаси “**Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон ашайлик**” деган эзгу дaъват асосида амалга оширилмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб келмоқда. 2017–2020 йиллар давомида 140 мингдан зиёд арзон ва сифатли уй-жойлар бунёд этилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан қарийб 11 баробар ошди. Республикаимизда ипотека тизими изчил ривожланмоқда.

Шунинг таъкидлаш зарурки, юртимизда илгари ҳеч қачон бундай катта куламадиган қурилиш ишлари амалга оширилмаган.

Оғир турмуш шароитида яшаётган оилаларнинг уй-жой бўйича бошлангич бадаллари давлат бюджетга ҳисобидан тўлаб берилмоқда. Бу йўналишдаги ишларимиз давом этирилади, шу йилнинг ўзида яна 50 мингга яқин оила уй-жой билан таъминланади.

Қадрли дўстлар! Давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашда соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва сaнъат, спорт соҳалари ҳал қилувчи ўрин туттишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугунги кунда юртимизда ташкил соҳаси, унинг фаолият мазмуну тубдан ўзгармоқда, дебик, янгилимаган бўламиз. Аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги, соғлом турмуш тарти янги босқичга кўтарилди. Қўп тармоқли поликлиника ва касалхоналарнинг моддий-техник базаси, қадрлар салoҳияти мустаҳкамланмоқда.

Тез тиббий ёрдам тизими замон талаблари асосида қайта ташкил этилиб, молиявий таъминоти кучайтирилди.

2016 йилда мавжуд бўлган 800 та “Тез ёрдам” шoҳoбчaсининг сони бугунга келиб 1 минг 666 тага етказилди. Тез тиббий ёрдам бригадалари сони эса 1 минг 648 тадан 2 минг 685 тага кўпайтирилди.

Маълумки, илгари қўплаб юртдошларимиз мураккаб тиббий операцияларни ўтказиш учун чет элларга боришга мажбур эди. Кейинги йилларда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид ислохотлар натижасида бундай амалиётлар энди ўзимизда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Республикаимиз аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатаётган марказлар сони 2016 йилда 10 тани, уларнинг ҳудудий филиаллари эса аттиги 2 тани ташкил этарди. Бугунги кунда бундай марказларнинг сони 20 тага етказилди, жойларда эса 124 та филиал фаолияти йўлга қўйилди. Бу ишни давом эттириб, жорий йилда яна қўшимча 48 та ҳудудий филиал ташкил этилади.

Ҳаммамиз қўриб турибсиз, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни ўз вақтида бошлаб, тўғри йўл танлаганимиз учун қўрилмаган пандемия қаршида саросимамга тушиб қолмадик. Халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш мақсадида зудлик билан барча тадбирларни ишлаб чиқдик. Жумладан, коронавирусга қарши курашиш учун махсус тиббий марказлар ташкил этилди. Дорин-дармон ва ҳимоя воситаларининг захираси шакллантирилди.

Ҳудудларда ишга тушурилган 60 та қислордоқ станцияси тегишли шифохоналарни қислордоқ билан ўзлуксиз таъминлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда вакцина ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошланди.

2021 йил учун давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилди, аҳоли соғлиғини сақлаш ва коронавирусга қарши эмлаш чораларини кўрямиз.

Халқимизни тезкор ва самарадор, сифатли тиббий ёрдам билан таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилади.

Азиз ватандoшлар! Атоқли маърифатпарвар бoбoмиз Абдулла Авлонийнинг: “**Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамoт, ё нажoт – ё ҳалоқат, ё саодат – ё фалоқат масаласидир**”, деган ҳикматли сўзларини мен қайта-қайта тақоррoллаган чарчaмайман.

Кейинги йилларда масалага мана шундай ёндашув бизнинг ушбу соҳадаги фаолиятимиз мезонига айланди. Чиндан ҳам, агар биз таълимни ўзгартирсак, таълим инсонни ўзгартиради. Инсон ўзгарса – бутун жамиятимиз ўзгаради.

Шу бoис биз ўзлуксиз таълимни тақомиллаштириш, фарзандларимизни ҳар томонлама барқамол инсонлар этиб тарбиялаш, юқори малакали педагог қадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Таълим-тарбиянинг бошлангич бугини бўлган мактабгача

таълим тизимидаги ўзгаришлардан ҳаммангиз яхши хабардорсиз. Соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик.

2017 йили юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият юрттаган бўлса, жорий йилда бу рақам – тасаввур қилинг – 19 минг 316 тага етди. Давлат-хусусий шериклик механизмлари ҳамда оилавий боғчаларнинг жорий этилиши, бир қатор имтиёзлар бeрилиши туфайли 13 мингдан зиёд нoдавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ислохотлар натижасида биз мактабгача таълимга қамров даражасини 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етказишга эришдик.

Янги турдаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Биргина 2020 йилни оладиган бўлсак, юртимизда математика фани бўйича 56 та, кимё-биология фани бўйича 28 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 14 та ана шундай мактаблар ташкил этилди.

Таълим соҳасида янгича ёндашувлар фаол жорий этилмоқда. Ўзингиз айтинг, бундан тўрт-беш йил олдин республикаимизда хусусий мактаб ёки боғча бўлишини тасаввур қилиш мумкиними?

Биз бу соҳада жаҳон тажрибасини ўрганиб, янги тартиб-қоидаларни, замонавий таълим усулларини жорий этмоқдамиз. Жумладан, хусусий мактаб очиш учун лицензия олиш тартиби соддалаштирилди. Нoдавлат таълим масканлари давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани туфайли ҳозирги вақтда уларнинг сони 195 тага етди.

Бўларнинг барчаси ўз ижобий натижасини бермоқда. Буни 2017–2020 йилларда ўқувчиларимиз нуфузли халқро фан олимпиадаларида 30 та медални қўлга киритгани мисолида ҳам яққол қўриш мумкин.

Ёшларни талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш учун ўтган ўқув йилида 339 та касб-ҳунар мактаби, 194 та коллеж ва 195 та техникум фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда ислохотларимиз талаби, ҳаётнинг ўзи олий таълим соҳасини жадал ривожлантиришни тақозo этмоқда. Шу бoис юртимизда сўнгги 5 йилда 64 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Қабул квoтаси 3 барoбар оширилди.

Эндиликда битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан – шунга эътибор беринг – 28 фоизга етказилди. Ўқин келгусида ушбу кўрсаткични 50-60 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, аввало, ёшларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимиз марказида турибди. Шу мақсадда жорий йилда ногиронлиги бўлган ёшлар учун – 3 минг 155 та, “Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчилари учун – 1 минг 580 та, кам таъминланган оилаларга мансуб хотин-қизлар учун – 2 мингта қўшимча қабул квoталари давлат гранти сифатида ажратилди.

Бугунги кунда янганча ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар ёшларимиз жаҳон майдонларида турли соҳа ва йўналишларда юксак марраларни эгалламоқда.

Мана, яқинда Японияда бўлиб ўтган XXVIII ёзги Олимпия уйинларида моҳир спортчиларимиз ёлиб ва совриндор бўлиб, барчамизни қувонтирдилар.

Айни кунларда Токиода ёзги Паралимпия уйинлари қизгин давом этмоқда. Унда иштирок этаётган Ўзбекистон жамоаси аъзолари бугунги кунга қадар 5 та олтин, 6 та кумуш, 6 та бронза медалларини қўлга киритиб, ўзларининг тенгсиз матонатини намoн этишмоқдалар.

Юртимиз шаарафини муносиб ҳимоя қилаётган мана шу жасоратли ўғил-қизларимизга янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

Хурматли дўстлар! Бугун мустақиллигимизнинг биринчи йилида туғилган болалар ўттиз ёшга – айни қамолот ёшига етди. Мен мана шу навқирон ёшларимизга, азиз ўғил-қизларимизга муружаат қилиб айтмоқчиман.

Сиз истиқлол фарзандларингиз, озода ва эркин, ҳур фикрли инсонлар сифатида ҳаётга дадил кириб келаётганингиз биз учун энг катта бахт, катта давлатдир. Мен ишонаман, сизлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини пухта эгаллаб, биз бошлаган ишларни муносиб давом эттирасиз.

Юксак ғайрат-шижоатингиз ва фидокорона меҳнатингиз билан юртимизда Янги Ўзбекистонни – Уччинчи Ренессансни бунёд этишга албатта қодир бўласиз.

Ҳеч қачон бўш келманг, азиз фарзандларим! Сизларга ҳамиша бахт ва омад ёр бўлсин!

Муҳтарам ватандoшлар! Ҳаммамиз гунаҳи бўлиб турибсиз, сўнгги йилларда биз

“**Халқ ва армия – бир тану бир жон**” деган эзгу тамойил асосида Қуролли Қучларимизни янада тақомиллаштириш, давлатимизнинг мудофаа салoҳиятини ошириш бўйича муҳим ислохотларни амалга оширдик. Миллий гвардия, Давлат мудофаа саноати кўмитаси тузилди.

Соҳада замонавий қадрларни тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг оила аъзоларини, ҳарбий пенсионерларни қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратишмоқда.

Бугунги кунда миллий армияимизнинг тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир жанговар кучга айланиб бораётгани бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Албатта, армия фақат қурол ва аслаҳа билангина кучли ҳисобланмайди. Армия аввало она Ватан учун жонини ҳам аямайдиган ҳарбийлар – аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар билан қурайдилар.

Бугун Қуролли Қучларимиз сафида Ватан ҳимоячисига бўлиши ўз ҳаётининг маъно-мазмуниде деб билган ҳақиқий баҳодир, марди майдон фарзандларимиз хизмат қилмоқда. Улар Амир Темур, Жалолиддин Манғуберди, Бобур Мирзо каби буюк бoбoларимизнинг жанговар маҳоратини шараф билан давом эттирмоқда.



“БИЗНИНГ БОРЛИГИМИЗ ҲАМ БАХТДИР АСЛИДА”

ИНСОН ЎЗ МЕҲНАТИНИНГ САМАРАСИНИ, ЭЪТИРОФИНИ КЎРГАН КУНИ ЭНГ БАХТЛИ КУНЛАРИДАН БИРИДИР. ҲАР БИР ҚАЛБ БУНИ ИСТАЙДИ, ШУ ҲАЁТДА БОРЛИГИНИ ИСБОТЛАГИСИ, ЖАМИЯТГА НАФИ ТЕГАЁТГАНИНИ БОШҚАЛАРДАН ЭШИТГИСИ КЕЛАДИ. БУНГА САЗОВОР БЎЛГАНИДА ҚАЙТА ТУҒИЛАДИ ГЎЁ ДЕСАК, МУБОЛАҒАГА ЙЎЙ-МАНГ.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ НАВРЎ “АНҲОР-ЛОКОМОТИВ” МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЎТКАЗГАН “ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2021” КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА БУНГА ЯНА БИР БОР ГУВОҲ БЎЛДИК.

Ахтунд ХАЙТОВ,
O'zLiDeP Siёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери ўринбосари:

– Хотин-қизларни тадбиркорлик ва фермерликка жалб этиб, бандлиги-га кўмаклашиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорларини рўёбга чиқариш борасидаги ишларимиз пандемия шароитида янада кучайтирилса кучайтирилдики, асло пасайгани йўқ.

Энг чекка ҳудудлардача кириб бордик. Айниқса, “Темир”, “Аёллар” ва “Ёшлар” дафтаридаги фуқароларни касб-хўшарга ўқитиш, ишга жойлаштиришга эътибор қаратдик. “Бир депутат – юз аёлга кўмакчи!”, “Фаровон оила”, “Бунёдкор аёллар” каби лойиҳаларимиз айни мақсадларимизга хизмат қилляпти. Бугунги танлов ҳам ана шундай лойиҳаларимизнинг биридир. Ниятимиз, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир аёл бахтли бўлиши шарт!



Мавлуда ХЎҲАЕВА,
O'zLiDeP Siёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси раисининг
аёллар масалалари бўйича
ўринбосари, Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
партия фракцияси аъзоси:

– Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томоқра ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда 2016 йилдан бундан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танлов натижасида тадбиркорлик субъектлари, корхона ва ташкилотларда партиянинг 150 га яқин кўйин бўғини ташкил этилди. 20 мингга яқин хотин-қиз партия сафига қабул қилинди.

Танловда шу пайтга қадар 12 минг нафар, бу йилги туман, шаҳар ва вилоят босқичларида эса 2 мингдан зиёд тадбиркор, ишбилармон ва фермер аёл иштирок этди. Вилоят босқичида фаол қатнашган 14 нафар тадбиркор ва фермер аёл бугунги босқичга етиб келди.

Дарҳақиқат, ҳар ишнинг низои, финали бўлади. Сўнгги босқич энг аълоларни танлайди. Ҳамкор ташкилотлар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоларидан иборат ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг ишлари билан танишиб, ҳолисона баҳолаб боришди. Беллашувчиларнинг махсуслотлари кўргазмаси бир-биридан ўзгача, бир-бирдан сифатли эдики, бундай вазиятда энг муносибни

аниқлашнинг ўзи бўлмайди. Аммо на чора. Танлов талабига амал қилиш шарт. Қолаверса, лойиҳа низомига мувофиқ, иштирокчиларнинг хотин-қизлар учун қўшимча янги иш ўрни яратгани, “Аёллар дафтари”даги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорларини рўёбга чиқариш борасидаги ишларимиз пандемия шароитида янада кучайтирилса кучайтирилдики, асло пасайгани йўқ.

Сўнг энг ҳаяжонли дақиқаларга ўтилади. Дастлаб ҳакамлар ишбилармон аёл мақомига муносиб кўрилган 1, 2, 3-ўринни олган иштирокчиларни эълон қилишди. Сиз ҳам танишинг.

Хусусан, 1-ўринга:

- Бухоро вилоятидаги “Файз қурилиш моллари” ва “Бухара смес” МЧЖлари ҳамда “Индиго” ёшлар жамоат фонди раҳбари **Дилором Файзиева**;
- Наманган вилоятидаги “Махбубахон она” кўп тармоқли фермер хўжалиги, “Asmus gold” ва “Asmus tanho” ишлаб чиқариш ко-



оперативлари, “Мусоҳон Асалои келажиги” МЧЖ раҳбари **Моҳидил Исақова**;

- Тошкент шаҳридаги “Ambassador M” корхонаси раҳбари, 1 000 та иш ўрни яратган **Маъмура Мусурмонова** муносиб деб топилди.

2-ўринга:
Шаҳноза Саматова, “Vang’ozi ximo textile” ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, Навоий вилояти;
Палзада Салиева, “Арзу” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси;
Назира Раҳмонова, “Novotech industries” МЧЖ раҳбари, Тошкент вилояти.

3-ўринга:
Нигора Юсупова, “Эко академик” давлат шериқчилик асосидаги мактабга-ча таълим ташкилоти директори, Андижон вилояти;
Орзухон Нурбоева, “Ғаффоржон нури келажиги” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари, Фарғона вилояти;
Дилноза Усмонова, “Гулистон ли-

мон экспорт” МЧЖ раҳбари, Сирдарё вилояти.

Бундан ташқари, турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар тақдирланди: Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли – “Достонбек” фермер хўжалиги раҳбари **Аманжон Холмуротова**, Хоразм вилояти;

Энг ёш, фаол аёл тадбиркор – “Zolushka brend” МЧЖ ва “Имонахон Фахриддиновна” оилавий корхона раҳбари **Наргис Эшдавлатова**, Қашқадарё вилояти;

Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл – “Kinderland kids” нодавлат мактабга-ча таълим муассасаси ҳамда “Mehrigiyoh davro” МЧЖ хусусий тиббиёт клиникаси раҳбари **Ойсанам Бойматова**, Сурхондарё вилояти;

Қишлоқни ижтимоий ривожлантиришда фаоллик кўрсатган фермер аёл – “Элсевар Диёр” кўп тармоқли фермер хўжалиги, “Санзор ширин таомлари” ва “Элдиёр” МЧЖлари раҳбари **Мавжуда Ибрагимова**, Жиззах вилояти;

Замонавий ташаббускор аёл – яқка тартибдаги тадбиркор **Наврўза Ҳасанова**, Самарқанд вилояти.

Албатта, ғолиб ва совриндорлар партия ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Тадбир яку-



нида эсдалик суратларига тушаётган опа-сингилларимизни, уларнинг юз-кўзиди ҳам самимий қувончингизга туриб, меҳнаткаш ўзбек аёли ҳар кун, ҳар қанча эъзозга муносиблгини, бу уни яшатиши, яшартиришини ва янада гўзаллаштиришини яна бир қарра агладим.

Зеро, байрамлар, қадрлашни онлари инсонлар учун битмас-туганмас қувват манбаидир. Ана шундай лаҳзаларда ҳам оилада, ҳам жамиятда ўз ўрни, нуфузи, қадр-қимматини топаётган хотин-қизларимиздан аксарияти беихтиёр бизнинг борлигимизнинг ўзи ҳам бахтдир аслида, деяётганига заррача шубҳамиз йўқ!

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири
Ушубу танлов ғолибалари
ҳаёти, фаолияти хусусидаги
мақолаларни газетамизнинг
навбатдаги сонларида
кузатиб бориш.

СЪЕЗДГА ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАНЯПТИ

Айни пайтда 1 миллион аъзони бирлаштирган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси тизимида 14 мингга яқин бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, таянч бўғинларнинг барчасида бўлажак Президент сайловини уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда туман (шаҳар) конференцияларида делегатлар сайлаш масалалари-га бағишланган умумий йиғилишлар ўтказилди. Қўйи бўғинлардан сайланган делегатлар партиянинг ҳудудий кенгашларидаги конференцияларда иштирок этишди.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, O'zLiDeP Siёсий Кенгашининг VI мажлисида делегатлар тақсимоли ҳар 4 минг аъзодан 1 нафар деб олинган. Бошланғич партия ташкилотлари умумий йиғилишларида мазкур масала атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, бундай катта сиёсий жараёнда делегатлар тақсимолини қайта кўриб чиқиш ҳамда сонини кўпайтириш бўйича 100 дан ортиқ таклиф келиб тушди.

Таклифларни инобатга олган ҳолда, партия Siёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси Siёсий Кенгаши сайланадиган делегатлар сонини 250 дан 1 000 нафарга етказишга қарор қилди. Шунда ҳар 1 000 аъзодан 1 нафар делегат сайланади. Вилоятлар партия ташкилотлари конференциялари худди шу тартибда ўтказилди.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни кенгаш раиси **Сағиндиқ Турманов** очди ва бошқариб борди. Қайд этилганидек, бугун мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини уюшқоқлик билан, юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш, мазкур сиёсий жараёнга қизғин тайёргарлик кўриш борасида жойларда сайлов билан боғлиқ барча тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Ҳозирги кунда Кенгаш 65 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган 1 002 та бошланғич партия ташкилотига бириктирилган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Siёсий жараёнларга пухта тайёргарлик кўриш, партия ғояларини аҳоли орасида кучлироқ тарғиб қилиш, фаоллар сонини эмас, сифатини кучайтириш, сайловга оид барча тарғибот-ташвиқот тадбирларини самарали ташкил этиш, қолаверса, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мавжуд 656 та сайлов участкасига эътиборни кучайтириш, юртимизда олиб борилаётган сайловлар жаҳон ҳамжамияти эътиборида эканини чуқур ҳис этган ҳолда демократик тамойиллар асосида ҳаракат қилиш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши XI конференциясида партиянинг вилоят кенгаши раиси **Шухрат Асланов** маъруза қилди.



Дарҳақиқат, маърузачи таъкидлаганидек, партиядан сайланган депутатлар ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ижросини таъминлашга интилишмоқда. Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар, ҳудудларда қўлай ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, ёшларни иш билан таъминлаш, фермерлик ҳаракатида саноат ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кўпайтириш энг муҳим ишлардан. Қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга доир партиявий лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва халқ депутатлари шаҳар, туман, вилоят кенгашлари тасдиғига киритиш борасида ҳам самарали фаолият олиб боришди. Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашларидаги доимий комиссиялар ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини давр талаблари даражасида ташкил этиш борасида бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, фуқаролар томонидан билдирилётган таклифлар, фикр-мулоҳазалар, муаммолар жараёнлар, муносабатларни ҳисобга олиб, улар ижросини назорат қилиш ва ижобий ҳал этишда депутатлар фаоллик кўрсатишди.

2021 йилнинг 1 август ҳолати бўйича вилоятда партия аъзолари сони 84 327 нафарни ташкил этиб, ўтган даврда 20 149 нафарга кўпайди. Воқоада бошланғич партия ташкилотлари сони 1 074 тани ташкил этиб, уларнинг 580 таси намунали ҳисобланади.

Конференцияда O'zLiDePнинг X съездида Қашқадарёдан делегатлар сайланди. Анжуман якунида

барча делегатлар ўтган беш йил мобайнида Қарши шаҳрида қад ростирилган замонавий иншоотлар, “Шўртангазкимё” мажмуасида амалга оширилаётган янги лойиҳалар, Ўзбекистон ЖТЛ корхонасидаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши тасарруфидаги 745 та бошланғич партия ташкилоти 60 минг 832 нафар аъзони бирлаштирган.

Siёсий жараёнларга пухта тайёргарлик кўриш, партия ғояларини аҳоли орасида тарғиб қилиш, аъзолар сафини кенгайтириш, сайловга оид ташвиқот тадбирларини

ёргарлик кўриш, партия ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда БПТларга таянилади.

Сўзга чиққанлар кейинги беш йилда янги Ўзбекистонда “Давлат ҳам, ислохотлар ҳам, аввало, инсонларга хизмат қилиши шарт!” деган халқона сиёсат амалда ифодасини топгани, барча соҳалар туб ўзгаришлар билан қамраб олинганини қайд этдилар.

Партияимизнинг мақсади олижаноб ва танти халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш, ислохотларни янги босқичда давом эттириш, мамлакатимиз дунёнинг етакчи давлатлари сафидан ўрин олиши учун барча юртдошларимизни бирлаштиришдан иборатдир.



самарали ташкил этиш вазифаларини сидқидилдан адо этиб келаятган энг муносиб фаоллар вилоят конференциясига таклиф этилди.

O'zLiDeP Андижон вилоят кенгашининг навбатдаги XI конференциясида 150 нафар делегат қатнашди. Тадбирни партия вилоят кенгаши раиси Хуршидаҳон Халилова очиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказиш, мазкур сиёсий жараёнга қизғин тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилаётган ташкилий ишлар хусусида гапирди.

Анжуманда сўз олганлар Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакатимизда кечаятган халқчил ва ҳаётий ислохотларнинг муваффақиятли бориши учун масъулиятни ўз зиммасига олган сиёсий куч эканини алоҳида қайд этдилар.

Тадбир давомида Андижон вилоят партия ташкилоти конференциясида O'zLiDePнинг X Съездида делегатлар сайланди.

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгашининг навбатдаги конференциясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштирок этиш, партия съездида делегатлар сайлаш масаласи муҳокама қилинди.

Партия вилоят ҳудудий ташкилотининг раиси Эркин Холматов



мазкур сиёсий жараёнга қизғин тайёргарлик, ташвиқот тадбирларини уюшқоқлик билан ташкил этилаётганини алоҳида таъкидлади.

Вилоятда 60 мингдан ошми аъзони бирлаштирган 843 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд. Siёсий жараёнларга пухта тай-

томонлама жавоб берадиган сайлов тизими яратилганини барча бирдек эътироф этмоқда.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой ўтган конференция якунида партиянинг X съездида делегатлар сайланди.



Шухрат СОДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш вазири

ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР, АНИҚ НАТИЖАЛАР



Бугунги кунни ахборот технологиялари ва коммуникацияларисиз тасаввур этиш жуда қийин. Ўтган асрда оламшумул кашфиётлар инсоннинг интеллектуал салоҳияти асосида амалга оширилган бўлса, бугун илм-фан замонавий ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида шаклланмоқда.

РАҚАМЛАР СЎЙЛАСИН

Эътибор беринг, аҳолига ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатиш ҳажми 2016 йилда 5,2 трлн. сўмни ташкил этган эди. Кенг қўлланли ислохотлар, жумладан, давлат бошқарув органлари, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг IT хизматларга бўлган талабини қондириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, нархни камайтириб, сифатни яхшилаш натижасида хизматлар ҳажми 2020 йилда 12,9 трлн. сўмга етди.

Биргина телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишига эътибор қаратсак, халқаро интернет тармоғига улашнинг умумий ўтказувчанлиги қўбилишти **1 200 Гбит/с.га** етказилди. Халқаро интернет канали нархлари 2016 йилда **295 030 сўм** бўлган бўлса, 2020 йил охирида **45 011 сўмга** арзонлашди. 2021 йил 1 майдан ушбу нарх **32 000 сўм** миқдорида белгиланиб, яна **30 фоиз** пасайди. Бу билан республикада интернет тезлиги ошиб, оператор ва провайдерларга хизматлари учун тариф ўтган йил бошига нисбатан **25 фоиз** арзонлашди.

Жорий йилда қўшимча 24 минг км. оптик толали алоқа линияларини қуриш ҳисобига ижтимоий соҳа объектлари – 9 848 та халқ таълими ва 5 625 та мактабгача таълим объектлари, 3 401 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 7 656 та маҳалла фуқаролар йиғини ва 3 567 та милиция таянч пункти юқори тезликдаги интернет тармоғига уланди.

ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ МУЛОҚОТ

Электрон ҳукуматни такомиллаштириш рақамлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири. Давлат органлари ва аҳоли ўртасида интерактив мулоқотнинг самарали механизми барпо этилиши нафақат фуқароларимизнинг вақт ва маблағини тежаш, балки давлат органлари фаолиятини ҳам тубдан яхшилашга мустақим замин яратди. Асосий мезон – очкилик ва ошқоралик таъминланади.

2019 йилда ягона интерактив давлат хизматлари портали (пу.gov.uz) орқали давлат органлари томонидан кўрсатиладиган 173 та хизмат ишга туширилган бўлса, бу рақам 2020 йилда 218 тага етди. 2021 йил охирига бориб уларнинг сони 278 тага етиши режалаштирилган. Ҳозирда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 257 та электрон хизмат кўрсатилмоқда. Йил сўнгигача 300 тага етди бу рақам.

Почта бўлинмалари орқали давлат хизматларини тақдим этиш мақсадида Ягона порталнинг алоҳида модули ишлаб чиқилди. 500 дан ортиқ почта бўлинмасида 33 турдаги давлат хизмати тақдим этиляпти. 28 турдаги янги хизмат, яъни коронавирусга эмланиш учун рўйхатга ёзилиш, электрон сертификат олиш, автотранспорт суғуртаси ҳақиқийлигини текшириш, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш учун электрон ариза топшириш каби қатор хизматлар жорий этилган.

Йилнинг биринчи ярмида ушбу портал орқали 2,3 млн. дан ортиқ хизмат кўрсатилиб, аҳолининг 18 млрд. сўмдан ортиқ маблағи иқтисод қилинди. 1 июндан 18 турдаги маълумотнома ва ҳужжатларни электрон ҳамкорлик орқали олиш йўлга қўйилди. Йил охиригача Ахборот технологиялари вазирлиги ва “Ўзбекистон почтаси” АЖ почта бўлинмалари орқали кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари сони 60 тага етказилади (ҳозирда 33 та). Қарабсизки, ижтимоий ҳимоя бўйича нафақа тайинлаш, сайлов участкасини аниқлаш ёки ўзгартириш, ҳайдовчилик гувоҳномаси бўйича имтиҳон топширишга ариза юбориш, педагог ходимларга малака тоифаси сертификатини беришлар йўлга қўйилади.

1 октябрдан эса тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилгани, давлат бо-

жи ва бошқа тўловлар тўлангани, олий маълумот ҳамда фуқаронинг иш ҳақини тасдиқловчи 15 турдаги маълумотнома масъул давлат органлари ва таъкилотлардан мустақил равишда “Электрон ҳукумат” тизими идораларо интеграциялашув платформаси орқали олиниши жорий этилади. Ягона идентификация тизими (id.gov.uz), электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестри, электрон ҳукуматнинг маълумотлар ва классификаторлар реестри, ягона идораларо ижро интизоми тизими (ijro.gov.uz), норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz), сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (elections.gov.uz), бош вазирнинг тадбиркорлар муносабатини кўриб чиқиш виртуал қабулхонаси портали (business.gov.uz), интернетда аҳоли долзарб деб ҳисоблаган ташаббусларни билдириш учун (Mening fikrim) веб-портали яратилди.

СИФАТЛИ МОБИЛЬ АЛОҚА

Таъкидлаш керак, ҳар биримизнинг ҳаётимизга кириб, муқим ўрин эгаллаган мобил алоқа хизмати фойдаланувчиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Айни пайтда “Uzmobile”, “Ucell”, “UMS”, “Beeline”, “Perfectum mobile” алоқа операторлари халқ қорига ярамоқда. Абонентлари сони 2016 йилда 21,2 млн. ни ташкил қилган бўлса, 2020 йил охирида 25,9 млн. тага етган. Республикани мобил алоқа тармоғи билан қамраб олиш 99 фоизга етказиш режалаштирилган.

ТАДБИРКОР ВА ЁШ СТАРТАПЧИЛАР УЧУН

Соҳани ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, стартап лойиҳаларини қўллаб, ички ва ташқи бозорда дастурий ва юқори технологияли маҳсулот ва хизматларни тарғиб қилишга мақсадли мақсадида дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-парк) йўлга қўйилди. Республика бўйлаб IT-паркнинг 5 та худудий филиали, АҚШда ваколатхонаси ташкил қилинди. Республика бўйлаб айти хизматларни кўрсатадиган ҳамда унинг резидентли сифатида рўйхатдан ўтиб, фаолият юритаётган компаниялар 463 тага етди (2020 йилга нисбатан 130 фоиз ўсиш). Уларда 1 500 дан ортиқ (2020 йилга нисбатан ўсиш 150 фоиз) янги иш ўрни яратилди.

IT-парк резидентлари амалга оширишига рухсат этилган фаолият турлари кенгайтирилган. Хусусан, робототехника, маълумотларни қайта ишлаш ҳамда IT-аутсорсинг хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳуқуқига эга бўлишди. Шу билан бирга, бугунги кунга қадар паркнинг стартап-лоийҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган инкубация ва акселерация дастурла-

рини муваффақиятли яқунлаган 66 та истиқболли лойиҳа жами 3,1 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда молиялаштирилди.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ НЕЧОҒЛИ?

Беш йил аввал АКТ соҳасида таълим бериш ва малака ошириш бўйича вазирлик тизимида 7 та олий таълим муассасаси ҳамда 6 та академик лицей мавжуд эди. 2020 йилдан тизимда 8 та олий таълим муассасаси, 3 та техникум, 6 та академик лицей, 15 та ахборот-коммуникация технологияларига ихтисослаштирилган мактаб фаолият олиб бормоқда. 2020 йилда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг Нукус, Урганч, Қарши, Самарқанд, Нурафшон, Фарғона филиаллари, Тошкент шаҳридаги Инха, Амита университетлари, Тошкент, Самарқанд ва Янгйўлғон ахборот технологиялари техникуми, 6 та академик лицей ҳамда информатика ва ахборот технологиялари фанларига ихтисослаштирилган мактабларда кадрлар тайёрланмоқда.

Янги ўқув йилидан бошлаб сунъий интеллект йўналиши бўйича Тошкент ахборот технологиялари университетида 30 талабани бакалавр даражасига ва 10 талабани магистратурага, Ўзбекистон миллий университетида магистратурага 10 талаба, Самарқанд давлат университетида 5 нафар магистр даражасига грант асосида квоталар ажратилди. 15 та олий ўқув юртида сунъий интеллектни иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида, давлат бошқаруви тизимида амалий қўллаш бўйича курс ва фанлар жорий этилмоқда. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект – докторантуранинг алоҳида йўналиши очилиб, келгуси йилдан Инновацион ривожланиш вазирлиги сунъий интеллект соҳасидаги докторантурасига мақсадли (5 ўрин) ва мустақил тадқиқотчилар учун квота ажратилиши белгиланди. 9 та тажриба синов лойиҳалари доирасида ишлар олиб борилмоқда.

СТРАТЕГИЯ ИЖРОСИ ИЗЧИЛ

Давлатимиз раҳбарининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш ва такомиллаштириш бўйича ҳам муҳим ишлар бажарилляпти. Учраётган камчилик ва муаммоларни зудлик билан баргараф этиш чоралари кўрилмоқда. Ушбу фармон билан худудлар ва тармоқларда 1 627 та лойиҳа ва чора-тадбир амалга ошириш белгиланган.

УЙИ БОРНИНГ ТИНЧИ БОР

Соҳа ходимларини доимий рағбатлантириб бориш ва тураржой билан таъминлаш долзарб масала. Шу боис мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси қурган 210 хонадонли 4 та тўққиз қаватли уйлар калити тизимда фаолият юритадиган ходимларга топширилди. Уларнинг оилаларида хотиржамлик, ишларида унум ва барака бўлиши шубҳасиз.

Умуман олганда, мамлакатимизда АКТ ривожини бўйича аниқ қадамлар қўйилган. Бу эса келажакда Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридagi ҳиссасини кўпайтириш ва ахборот технологиялари соҳасида мавқеини мустақамлашга хизмат қилади.

Республика бўйича **147 та** рақамли технологиялар ўқув маркази фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида **292 дан** ортиқ янги иш ўрни яратилди. Марказларда компьютер саводхонлиги, дастурлаш, робототехника, веб ва мобил иловалар яратиш каби йўналишларда **40 мингдан** ортиқ тингловчи малака оширди. Бу борада Наманган, Жиззах ва Хоразм вилоятлари етакчи.



САМАРҚАНД ШАҲРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН “SABINA — S” МЧЖ ЖАМОАСИ

*Кўпмиллатли бутун халқимизни
Ўзбекистон Республикаси давлат
мустақиллигининг 30 йиллик байрами билан
самимий муборакбод этамиз!*

*Ҳаммамиз учун энг улуғ ва азий бўлган
бу муборак айём шукуҳи оилаларимиз
даврасида, қалбларимизда, юракларимизда
давом этишига тилакдошимиз!*



Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги “CLASSIC MOTOR” МЧЖ аъзолари

*барча юртдошларимизни эркинлик ва озодлик тимсоли
бўлган Мустақиллик байрами билан табриклайди!*

*Ўттиз йил тарих зарварақлари учун
арзимас муддатдир, лекин Ўзбекистон
халқи учун ўзига хос унутилмас, тарихий
давр ҳисобланади. Айтиш мумкинки,
асрларга татиғулик улкан бунёдкорлик
ишларига барчамиз гувоҳимиз. Ниятимиз –
асрий орзулари ушалган халқимиз ҳамиша
омон бўлсин!*



ТОПИМАРЖОН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ЖАМОАСИ

*барчангизни энг азий айём – Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги
билан чин юракдан қўтлайди!*

*Ўттиз йил тўлди бугун давлатимиз,
халқимиз мустақилликка эришганига!*

*Тарихий сана бу, аёнки, ўттиз йиллик
ўтмиш ортида қанча мураккаб, оғир
синов ва имтиҳонлардан муваффақиятли
ўтдик. Ушбу унутилмас, шонли санани
ҳар томонлама муносиб нишонлашга
ҳақлигимиз. Шундай дориломон кунларга
соғ-омон, ёруғ юз билан етганимиз учун
Яратганга минг шукр!*

**Байрамингиз муборак
бўлсин, азизлар!**



“ШЎРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси



Ватанимизда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига мустаҳкам пойдевор яратилаётган шундай шукуҳли дамларда барча юртдошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг шарафли 30 йиллиги байрами билан самимий табриклайди!

“Янги Ўзбекистон” ибораси бежиз янграмаётгани ва бу улуғвор сўз мазмун-моҳиятида кейинги жуда қисқа даврда тараққиётнинг бутунлай ўзгача, мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришилаётган улкан ва залворли ютуқларимизнинг эътирофи мужассамдир. Шундай экан, бу зафарларимиз айнан мустақиллик шарофатидандир. Истиқлолимиз абадий бўлсин!



QQB QISHLOQQURILISHBANK

30
ЙИЛ

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” жамоаси
барча юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги билан
самимий муборакбод этади!

Байрам муносабати билан
“ЖОЗИБА”
жамғармали омонатини таклиф этади

Омонат муддати 13 ой
Йиллик фоиз ставкаси 21%
Омонат фоиз тўловлари ҳар ойда

21%

www.qqb.uz
t.me/qqbank

78 150 00 55 1254
Хизматлар лицензияланган.

AGROBANK

AZIZ VATANDOSHLAR!
“AGROBANK”
JAMOASI SIZLARNI ENG ULUG‘,
ENG AZIZ BAYRAM – O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MUSTAQILLIGINING 30 YILLIK
SHODIYONASI BILAN SAMIMIY
MUBORAKBOD ETADI!
HAMISHA YURTIMIZ TINCH VA OSUDA,
DASTURXONLARIMIZ TO‘KIN,
OSMONIMIZ MUSAFFO BO‘LSIN!

AgrobankChannel
Agrobankuzbekistan

Download on the App Store
GET IT ON Google Play

www.agrobank.uz
тел.: (+998) 71 203-88-88
Хизматлар лицензияланган

Мустақиллик бизга нима берди,
деган саволга ҳаммамизнинг жавобимиз
тайёр: эркинлик, фаровон ҳаёт,
тўқинлик, бахт-саодат ато этгани
бор ҳақиқат!


Қашқадарё вилоятида юртдошларимизга холис
хизмат кўрсатиб келаётган

“ҚАРШИ ДУНЁ — М”

очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳам бугунги
қутлуғ байрамни ўзгача ҳуш кайфият, шоду
хуррамлик, қувонч билан кутиб олаётир.

Халқимизга озодлик берилган ва миллий давлатчилигимиз
тикланган Мустақиллик куни муборак бўлсин!

Яратганнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!



АДИБНИНГ ОМАДИ

Ўзбек адабиётининг даргалари – замонасига сиғмаган, қатағон қурбонлари ҳақида хотира китоблар яратишнинг ўз вақтида имкони бўлмаган. Мустақиллик йилларида бунга йўл очилса-да, бахтга қарши улар ҳақида ёзишга қодир-қобил шахслар бармоқ билан санарли қолган. Кўрган-билганлардан ёзиб олинганлари ҳам мазмунан ўзига яраша, хийла паршон чикқан. Боз устига, бу алломалар ортида садоқатли, фидойи шогирд, умр йўлдош, оға-инилар, фарзандлар қолмагани учун мавжуд имкониятлар бой берилган. Бироқ бу борада Абдулла Қодирийнинг омади бор экан (Умарали Норматов, “Қодирийнинг сўнги илтижоси”)...

Адибнинг 1918 йили туғилган тўнғич ўғли Ҳабибулла Қодирий падари бузруквори ҳибсга олинганида 20 ёшда, тиббиёт институти толиби эди. Отасининг ҳаёти, ижоди, қисматиға оид жамки воқеа-ҳодисадан хабардор эди. Ота қамокда эканида катта оиланинг бутун ташвиши ўша кезлари суяк сили касалиға чалиниб гипсда ётган Ҳабибулла зиммасига тушади. Қамида, унинг ҳам гарданига отанинг куни тушади – 1945 йил 28 майда ҳибсга олиниб, “аксизилиққилбой ёшлар ташкилотининг раҳбари бўлган, отасининг таққилланган асарларини уйда сақлаган, совет ҳукуматиға қарши агитация ишлари олиб борган” деган айбловлар билан 10 йил қамок ва сургун азобларини бошдан кечиради.

У ёқдан қайтган, чала қолган таълимини давом эттиради. Тугатгач, пойтахтдаги 10-шифохонада шифокор бўлиб хизмат қилиши баробарида юрағида тугиб юрган энг катта орзуси – отасининг ижодий меросини тўплаш, ҳаёти, шахсияти, ижодий қисматиға оид маълумотларни жамлашга қаттиқ бел боғлайди. Абдулла Қодирийни кўрган-билган замондошларидан у ҳақдаги хотираларни йиғиб, “Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида”, ўз қаламиға мансуб “Отам ҳақида” хотиралар китоблари босмадан чиқади.

Умри поёнида оғир хаста бўлишиға қарамай, “Қодирийнинг сўнги кунлари” хотира-қиссаси устида ишлади. Абдулла Қодирийнинг энг таҳликали кунлари ҳақи-

даги фйонларға тўла насрий ҳужжатли достонини поёниға етказди, шеър, драма, ҳажвия, публицистик ва адабий-танқидий мақолаларини қидириб топиб, нашрга тайёрлади. Олтмишға яқин адабий таҳаллусли аниқлаб, 1969 йили “Кичик асарлар” китобини чоп эттирди...

Ҳабибулла Қодирийдек ўғилнинг ана шундай заҳматли ишлари туғйли биз ва келажак авлод муфассал адабиётлар билан танишиш бахтиға муяссар бўлиб турибмиз. Шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, Абдулла Қодирий нафақат ўғилдан омади чопган, қолаверса, қўлидан бир пилла чой ичмаган, қайнота бўлиб саломини олмаган бўлса-да, келиндан ҳам ёлчиган эди. Ижодий мероси тикланишида ўғли Ҳабибулланинг хиссаси қанча бўлса, келини – Ҳабибулла Қодирийнинг умр йўлдоши Мукамбар Миряхё қизининг меҳнати ҳам беқиёсдир. Зеро, бир шифокор инсоннинг ишдан сўнг уйидаги ижодхонасида ишлаши ва мақсадига эришишида фақатгина ички хоҳишгина эмас, жуфти ҳалоли томонидан яратилган сокингина муҳит, эъзозу эҳтиром, авайланиш, руҳий, маънавий қўмак катта аҳамиятга эга.

Абдулла Қодирийнинг набираси, Ҳабибулла Қодирийнинг қизи Манзума ая билан суҳбатлашиб, бунга яна бир қарра амин бўлдиқ (Афсуски, Мукамбар ая билан юзма-юз суҳбатлашиб, хотираларини тинглаш насиб этмади, 2021 йил 17 мартда 86 ёшида чин дунёға рихлат қилдилар).

“ДАДАМНИ ЁМҒИР ОВОЗИДАН ҲАМ АСРАР ЭДИЛАР”

– Онам у кўчадан бу кўчаға келин бўлиб тушган. Икки тарафнинг ота-боболари бир-бириға қадрдон, ҳаммаслақ, илмли, зиёли бўлишган. Она томондан бобо-бувим Қодирийлар хонадонини ўзгача ҳурмат қилишган, бебайлиқларини билишган. Ўша пайтда тилларига чиқаролмасалар ҳам, ич-ичидан жуда ҳурмат қилишган.

Онам Самарқанд дарвозадаги бобом қурган уйға келин бўлиб тушган. Ҳар бир ҳаракатида бу оилаға муносиб бўлишға интилган. Бу ерда қайнота ва қайнонамнинг пок руҳлари кезиб юради, деб ҳамиша покизаликка интилган. Уй



Ҳабибулла Қодирий умр йўлдоши Мукамбар Миряхё қизи билан. (1956 йил)

зинасини супурги ишлатмай, ҳар куни сув сепиб, латта билан артиб олар, сўнг ўтириб тиловат қиларди. Унга оёқ кийимимиз билан чиқишға қўймас, узлари ҳам бунга амал қиларди. Боламан-да, сўрардим, оёқ кийимда чиқсам, нима бўлади? Бўлмайди, бу ерларға бувагнни қўллари теккан, табарруқ, дерди. Ушбу цементли пиллапо-яни тозалашни умрининг охиригача қанда қилмади.

Оиламизда ўзбекча урф-одат, аёлларға хос ифбат сақланиб келган. Масалан, кўчадан бирор киши сўраб келса, аёл киши дарвозаға чиқмаган. Масалалар эркаклар билан ҳал этилган.

Онам юмшоқтабиатли аёл эди. Ёшқидан қийинчилик кўргани учун бу ердаям тош келса кемириб, сув келса симирган. Ораларидаги фарқ катта – 17 ёш бўлгани учунми, ҳурмат ва ҳайиқиш бўлган. Ҳақиқий уй бекаси эди. дадамдан бесўроқ остана ҳатламаган, аслида кўча-қўйларни яхши билмаган ҳам.

Маҳаллада волидамини Ипакоий деб аташарди. Чунки қўшчилар билан бирор марта сан-манға бормаган, уйда ҳам овози баланд чиқмаган экан. Гап-гаштак-ку кўрмаган, тўй-ҳашамға ҳам рухсат бўлсагина, борар экан.

Ҳазил аралаш бир иборалари бор эди: “Мен умр бўйи ёзувчиға котиба бўлиб ўтдим”. Бунинг тағида алам ҳам, азоб ҳам, дард ҳам бор эди. Чунки 10 йил қамокда ноҳақ ўтириб, асаби, соғлиғи тугаб келган одам билан мурося қилиб яшади. Масалан, уйимизда ҳеч қачон телевизор овози баландлатилмас, уям фақат кечқурун қўйларди. Қасби ҳамшира бўлгани учун бирор қўшнимиз уолға келсагина, гаплашиб қолар, суҳбатлари сал чўзилса, дадам “чуқ-чуқ”лаб қўяр, шунинг ўзи етарли эди.

шар экан. Бу уларға ҳаммасидан оғриқли азоб берар, ана шу “чак-чак”ларға чидаш энг мушкул экан. Шунинг учун сувнинг чақиллагани ҳам дадамни асабларини ўй-натиб юборар, у мудҳиш кунларни қайта эсга солар, онам эса бундан эҳтиётлар экан.

Дадам биз мактабға кетгач, соат ўнларда уйғонар, бу пайтда улар учун махсус қайнатма шўрва тайёр турарди. Кичкинагина қозончада. Газ плитамизни ҳар бир бўлағида қозон қайнарди, биз болалар учун алоҳида, дадам учун алоҳида. Чунки ошқозони маҳбуслиқда ишдан чиққан, қамиға пневмония ортириб келганди. Сургулиқда суяк шўрва ичавериб жонимға теккан дерканлар.

Ойим дадамнинг буюк ишға қасд қилган мақсадини яхши тушуниб, ижод қилишға шундай шароит яратиб бергани, ортиқча тик этган товуш бўлмаган, ҳаттоки оёқ учиде юради. Биз ҳам шокйин-сурон қилмасдик.

Қайнона-қайнотани кўрмаган бўлсалар-да, уларға садоқат билан яшади. “Ўтган кунлар”ни ҳар куни қўллариға олиб, ўқиб, ўпарди. Айримлар ўпманг, бу муқаддас китобмас-ку, деб эътироз билдиришса, йўқ, бу улўғ инсонларнинг китоби дерди. Ҳатто ўлимларидан олдин касал бўлиб ётганларидаям китобни тик қўйиб силаб турарди...

Янги йил байрами бизникида ҳеч қачон нишонланмаган. Бир куни йиғлаганман, ўсимир эканман, фалончиникида столларни безатиб, янги йил қуттишяпти, биз-чи, десам, ўчир овозингни деганлар. Эсимни танибманки, дадам 31 декабрда касалхоналарида навбатчилик олиб, ўша ёқда бўларди. Тансик овқатни ҳам дадам кетгач, қилиб берардилар.

Дадам ўта зиёли, маданиятли шахс бўлганки, биз фарзандлар у кишининг ўн йил “ўтириб” келганини билмаганимиз. Биласизми, қачон билдик, ўлганларидан кейин билдик! Энди эслайман, ҳар баҳорда сандиқ очилиб, кийимлар ёйиларди. Шунда итинг терисидан қилинган қўлқоп ва оғир пўстин чиққан. Ойи, нима бу, ташлаб юборайлик, десам, ўчир овозингни, буни даданг қамокда кийган дедилар. Ие, дадам қамалганми, десам, э... йўқ... узоқ жойда, совуқларда бўлган, деб гапни айлантириб юборганди. Чунки биз болаларнинг олдида сиёсат ҳақида гапирилмаган. Бувам ўз ажаллари билан ўлган, деб ўйлаганман, отилганлари ҳақида гаплар оила даврасида айтилмаган.

Билганимда англадимки, янги йилни нега нишонлашмаганини, дадам нега у кунни фақат навбатчиликда шифохонада ўтказганини. Сабабни, Абдулла Қодирий бобомизни 1937 йил айнан янги йил кечаси 11:30 да, ҳамма байрамни кутаётган вақтда олиб кетишган экан!..

Биздан сир тутишгани, биринчидан, тарбия, иккинчидан, у кунларнинг таъсирида бу оила унча-бунча юрак олдириб қўймаган, биз болалар кўчаға чиқиб, бир

нарсга деб қўйсақ, иш чаппасига кетиши ҳеч гап эмасди. Дадамнинг энг асосий мақсади битта, бувамнинг топталган номини қайтадан тиклаш бўлган. Умрининг охиригача тиш-тирноқлари билан, гард юкмаган ҳолатда шунга интилди ва эришди. Адибимиз Тоҳир Малик айтгандики: “Мен хайрон қоламан, Чўлпон бу даражада эмас, Фитрат, ҳам, чунки уларнинг Абдулла Қодирийнинг фарзандлари каби зурриёди бўлмаган. Қодирийнинг бахти шундай жонфидо ўғли бўлганида”.

ОТА ИЗИ ЎЧМАЙДИ

Қуш уясида кўрганини қилади. Ҳабибулла Қодирийдек жонфидо ўғил ва Мукамбар онанинг тарбиясини кўрган зурриёдлари ҳам Қодирийлар шаъни, қаддини улўғлаб, шунга мос бўлишға интилишди. Ҳабибулла Қодирий икки ўғли Хондамир ва Шерконларни ёниға олиб, уларни ҳам қодирийшўнос қилиб тарбиялаганди. Хондамир отаси раҳбарлиғида қисса, ҳажвия, очерк, мақолалар ва фелетонлар тўплами – “Ғирволик Маллаво”и ҳамда “Ўткан кунлар”нинг 1926 йилги нашри асосида асл тўла нусхасини, “Меҳробдан қаён”нинг 1929 йилдаги китоб вариантига асосланган нашрини тайёрлаб, яхлит китоб ҳолида нашрдан чиқарди. Шеърлар, ҳикоялар, Қодирийнинг сўнги илтижоси саҳна асарлари, ҳангома, фелетон ва мақолалардан иборат нисбатан энг тўлиқ ҳисобланган салмоқли мажмуани “Диёри бақр” номи остида чоп эттирди. У бобоси мероси баробарида падари бузруквори архивини асраб-авайлаб, асарларини қайта нашрга тайёрлади: “Отамдан хотира” ана шу меҳнат махсулидир. Кичик ўғил Шеркон Қодирий ҳам бу қутлўғ ишда акасиға қамарбасталик кўрсатиб, “37-хонадон” китобини чоп этди. Бундай эзгу ҳаракат ҳануз давом этмоқда.

– Акамлар – Хондамир, Шеркон, мен ва укам Ирфон ота-онамға, боболаримизға муносиб бўлишға қанчалик ҳаракат қилсак, набираларимизға бу анъани давом эттиришларини тайинлаймиз, – дейди Манзума ая сўзини якуллаётиб. – Қизим Маҳзуна Қодирий инглиз тили ўқитувчиси, у ҳам буваларини асарларини хоржий тилларға ўғириб, дунёға тарғиб қилиш билан банд...

Манзума ая билан хайрлашар эканман, Абдулла Қодирийнинг қўйидаги сўзлари эсимға тушди: “Дунёда кишидан гўзал хулқли, солиҳ фарзандлар билан яхши китоблар қолади”, деган ҳадисни ўқиб ўйланиб қолдим. Кўз очиб юмгунча ўтиб кетадиган фурусат – умрда одам ўзидан кейин қолдирадиган ворисларнинг ҳадди аълоси ҳам шу аслида”.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҚЎШРАБОТ ТУМАНИ АҲЛИГА БЕМИННАТ ХИЗМАТ КЎРСАТИБ КЕЛАЁТГАН “КИНДЕР ГЛОБУС” НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ ҲАМДА “ЗАРБУВИ ОНА БОҒИ” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

Ваманимиз мустақиллигининг 30 йиллик тарихий байрами билан халқимизни, оқумладан, мамлакатимиз тараққийи йўлида фидойилик кўрсатиб келаётган барға мадбиркор, фермер-деҳқонларни самимий қўмлайди!

Сизларға сизан-саломатлик, оилавий бахт ва омад ёр бўлишини ўрангандан тилиймиз. Фарзандлар, неварга-чеваралар бахт қамолини қўйиб яшаш ҳаммамизға насиб этсин!



MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:
Актама ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирождидин САЙИД
Адхам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Бош муҳаррир
ўринбосари
Нуриддин
УБАЙДУЛЛАЕВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@umail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиғида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўхатдан ўтказилган.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.
Буюртма рақами: Г – 951 Адади: 35311
Электрон газета адади: 470
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 03:40

Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларға
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларға манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнерлар

Элёржон Нёъमतлов,
Маъруфжон Раҳмонов
саҳифалашди.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух Жабборов